

“ЛОРЕЛЕЙ” ВА “ХУР ҚИЗЛАР”НИНГ БИР-БИРИГА МОНАНДЛИГИ

А. Акбаров, Фаргона ш.

Фаргона давлат университети доценти, Ўзбекистон

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар:

Қадрият, адабиёт, шеърият,
“Лорелей” шеъри, “Хур қизлар”
афсонаси..

Аннотация

Ушбу мақолада “Лорелей” ва “Хур қизлар” афсоналарининг
бир-бирига монандлиги масаласи ҳақида сўз боради.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2022 LWAB.

Афсонавий Рейн гўзалига бағишиланган машхур “Лорелей” (“Lorelei”) (1821) Ҳайнега катта шухрат келтириди, бу шеър халқ қўшиғига айланди. Шоир Лорелейни сирли ҳақиқат эмас, балки жуда гўзал бадиий тўқима сифатида тасвирлади.

“Лорелей”нинг немис тилидан рус тилига биринчи таржимаси Каролина Павлова (1839) қаламига мансуб. Кейин А.Майков томонидан рус тилига ўғирилди. Балладани яна кўпгина рус таржимонлари бир неча марта таржима қилишди. 1881йилда нашрдан чиқкан “Ҳайне асарлари” да М.Л.Михайлов, 1893 йили чиқкан “Қўшиқлар китоби” да Л.А.Мей, 1904 йили чоп этилган Ҳайнрих Ҳайненинг асарлари тўпламида П.И.Вейнберг таржималари жой олди. 1909 йилда “Лорелей”ни И.В.Тхоржевский, яна шу йили таниқли рус шоири А.Блок ҳам таржима қилди.

Кейинги йилларда Ҳайне асарлари қайта таржима қилинди, “Лорелей” ҳам кўп жилдли китобларда ҳар хил муқобилларда чоп этилди. 1934 йилда Саша Черный, В. Гиппиуслар баллада таржимаси устида ишлашди.

В.Левикнинг “Лорелей” таржимаси 1956 йили Александр Дейч таҳрири остида нашр этилган X. Ҳайне “Танланган асарлар”ида босилган.

Бу мафтункор баллада 1940 йилларда бизнинг диёrimizga етиб келди. “Лорелей”нинг Миртемир таржимаси биринчи бўлиб ўзбек китобхонларига тақдим этилди.

Lorelei

Ich weiß nicht, was soll es bedeuten,
Daß ich so traurig bin;
Ein Märchen aus uralten Zeiten,
Das kommt nicht aus dem Sinn.

Die Luft ist kühl und es dunkelt,
Und ruhig fließt der Rein;

Der Gipfel des Berges funkelt
Im Abendsonnenschein.

Die schönste Jungfrau sitzet
Dort oben wunderbar,
Ihr goldnes Geschmeide blitzet,
Sie kämmt ihr goldenes Haar.

Sie kämmt es mit goldenem Kamme,
Und singt ein Lied dabei;
Das hat eine wundersame,
Gewaltige Melodei.

Den Schiffer im kleinen Schiffe
Ergreift es mit wildem Weh;
Er schaut nicht Felsenriffe,
Er schaut nur hinauf in die Höh.

Ich glaube, die Wellen verschlingen
Am Ende Schiffer und Kahn;
Und das hat mit ihrem Singen
Die Lorelei getan.

Лорелейга атаб бир талай ҳам қувнок, ҳам маҳзун қўшиқлар яратилди, халқ қўшиғи сифатида мароқ билан куйланди.

Яна Лорелейга бағишлиб дурдона суратлар яратилди. Уларда гўзал Лорелейнинг хусн-таровати, олтин сочларини тилла тароқ билан тараши, лиbosлари, унга мафтун ошиқлар, дарё, тўлқинлар, тоғ-осмонлар ўта мохирлик билан тасвирланган. Бу ҳолат турли рассомларда турлича акс этган, яъни суратларнинг фарқлари бўлиб, улар киши эътиборини ўзига тортади.

Бу тафовутлар тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиши талабаларини (булар 2-босқич иқтидорли талабалари: Набиева Муштарий ва Абдуқодирова Гулбаҳор ва уларнинг бир неча гурухдошлари) қизиқтириб қолди. Улар ИНТЕРНЕТдан машҳур санъат усталари яратган суратларни юклаб олдилар ва “Иқтидорли талабалар” тўгараги машғулотларида ўрганишди, муҳокама ва тадқиқ қилишди. Тадқиқот натижаларини ўз маъruzаларида баён этишди. Лорелей суратлари тақдим этилди.

“Лорелей”га ўхшаш афсоналар бизнинг ўлкамизда ҳам учраб туради. Масалан, Қирғизистон Республикасининг Қадамжой шаҳарчасидан Шоҳимардон томонга чиқишида ўнг томонида тоғ, чап томонида эса чамаси ўттиз метрлар чуқурлиқда Шоҳимардонсой оқади. Илгари йўл жуда тор бўлиб, бир уловга зўрга йўл топиларди. Ҳозир йўл кенгайтирилган бўлиб, икки машина bemalol сиғади.

Ёшлигимизда ота-оналар, баъзан дўстлар билан Шоҳимардонга икки уч -қунга дам олиш учун борардик. Шунда “Хур қизлар” тоғининг ёнидан ўтириларди. Онам раҳматлик “Хур қизлар”ни чақиринглар, деб ўзлари бошлаб берардилар. Кейин жўр бўлиб биз ҳам қўшилардик. “Хур қизлар”-у, “Хур қизлар...!” Тоғдан “Хууув...!”деган акс садо келарди. Бу ҳам “Лорелей” га ўхшаш бир афсона. “Хур қизлар”нинг ҳам ўз тарихи бор.

ҲУР ҚИЗЛАР

*Ҳаёлим тортади қадим афсона,
Парилар базми-ю, ҳур қизлар баҳси.
Чўнг олов ёнади қоқ ярим тунда,
Гулхан атрофида ҳур қизлар рақси.*

*Бу қадим ҳикоят ва ё ривоят,
Жинлар китобида битилган оят.
Ҳар тун гулҳан ёқиб, базм қилармиш,
Ойдан-да гўзалмиш ҳур қизлар гоят.*

*Сеҳрлаб қўярмиши бир боқсангиз бас,
Кифоя қилармиши лаҳзалик нигоҳ.
Ўз домига тортуб кетармиши абас,
Гулҳан атрофида ўқилиб никоҳ.*

*Ҳар тун бир йигитга келармиши қирон,
Ҳар тун бир йигит бўлармиши қурбон.
Рақс тушиб тонггача ҳур қизлар билан,
Парилар қўлида берар эмиши жон.*

*Балким бу афсона, балким ривоят,
Эсласам қайгуга чўмаман гоят.
Эй барно йигитлар, жўмард йигитлар
Ҳур қизлар макрига учмаса, шояд.*

Бу шеър бизнинг илтимос ва қистовимизга қўра шоир ва ёзувчи, “Германия. Қишки достон” нинг немис тилидан ўзбек тилига бевосита таржимони Аъзам Исмоил томонидан ёзилди. А. Исмоил Қадамжой билан чегарадош гўзал Водил қишлоғида яшайди. Шу сабаб “Хур қизлар” ривотидан хабардор. М. Тоштемиров шеър таъсирида шеър яратган бўлса, А. Исмоил афсонадан илҳомланиб, юкоридаги “Хур қизлар”ни яратди. Яна у Ҳ.Ҳайненинг “Лорелей” балладасини немис тилидан бевосита ўзбек тилига муваққиятли таржима қилган.

Навбатдаги тадқиқотимиз қўшни Тожикистондаги “Чил духтарон” афсонасига қаратилган, чунки бу афсона фикру-зикримизни забт этди.

Адабиётлар:

1. Сафо Очил. Орзулар күкідаги шафақлар. Тошкент. “Үқитувчи”. 1993.
2. Тоштемиров Маҳмуд. Биргина сен кам. “Фарғона”. 1998.
3. Heines Werke in fünf Bänden. Erster Band. Gedichte. Aufbau-Verlag Berlin und Weimar. 1970. S. 56.
4. Sobirov, N., & Akbarov, A. (2021, June). GERMAN SCIENTISTS ABOUT THE FERGANA VALLEY. In *Конференции*.
5. Nematjon, S., & Akbarov, A. (2021, August). GERMAN SCIENTISTS ABOUT THE FERGANA VALLEY: <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1252>. In *RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES* (No. 18.05).
6. Aziz, A., & Shavkat, A. (2022). Aristocrats Sympathetic to Heine. *International Journal of Formal Education*, 1(10), 40-43.
7. Aziz, A., & Shavkat, A. (2022). Symbol of the Paris of Inspiration. *International Journal of Formal Education*, 1(11), 17-20.